БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
17 январь
Чоршанба
№ 12 (13.448).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Депутат ва ҳаёт

Ойрўзидан эл рози

...Ойрўзи совхоз марказидаги маданият саройи ёнидан ўтаркан, ўша воқеани эслади. Ҳаётда кимлардир ёрдами тегаётганидан, одамлар учун яшаётганидан қалби қувончга тўлди, борлиқ янада гўзал, жозибадор кўрингандай бўлди.

Маданият саройи ҳашаматли бўлса-да, қиш кунлари иситилмас, худди қаровсиздек ётарди. Қишлоқ ёшлари учун оқшомлар зерикарли ўтар, маданий дам олиш учун шароит йўқ ҳисоби эди. Йигит-қизлар депутат Ойрўзидан маданият саройини иситишда кўмак сўрашди.

Ойрўзи ёшлар наказини тезроқ бажариш, уларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш мақсадида дарҳол амалий ишга киришди. «Бекорчидан — эл безор», деган гап бежиз эмас. Ўғрилик, безорилик бекорчиликдан чиқади. Ойрўзининг кўнглидан шу фикрлар ўтди. У совхоз раҳбарлари билан учрашди, ёшларнинг орзу-ниятлари, истакларини баён қилди, наказни бажариш йўлида елди-югурди.

Хўжалик раҳбарлари депутатнинг куйди-пишдилиги, мақсадини тўғри тушунишди. Маданият саройи иситиш системасини ишга туширдилар. Қишли-қировли кунларда ҳувуллаб ётадиган сарой йигит-қизларнинг севимли ҳордиқ масканига айланди. Бинода тез-тез қизиқарли кинофильмлар намойиш этиладиган, турли мавзуларда мунозаралар, учрашувлар, баҳслар уюштириладиган бўлди. Маданият саройида «Оқ йўл» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди, бошқа тўгараклар очилди. Бу ишлар учун ёшлар Ойрўзидан мамнун бўлишди.

Ҳа, Ойрўзи Усмоновадан эл рози. Ойрўзи Сирдарё ноҳиясидаги «Сирдарё» совхози 2-бўлимида ишлайди, оддий пахтакор. Ёш ишчига ҳамқишлоқлари катта ишонч билдиришган. Вилоят Советига депутат қилиб сайлашган. Ишончни оқлаш — шараф. Бу — депутатнинг шиори. Ойрўзи кўпчилик ишончини оқлаш учун билими, маҳорати, тажрибасини ишга солаяпти.

Совхоздаги 2-ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган Ойрўзи қишлоқда қолиб ишлашга қарор қилди. Ўша йилиёқ хўжаликнинг Мамасаид Эшқувватов бошлиқ бригадаси коллективи ёш қизни ўз сафларига қўшиб олди.

Йиллар ўтди. Ойрўзи ўзини меҳнатда кўрсата бошлади. Ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, янгиликка интилиши билан эл назарига тушди. Яқинда эса депутат КПСС аъзолигига қабул қилинди.

Ўтган йили О. Усмонова Исомиддин Қорабоев бошлиқ бригада хирмонига 7 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Коллектив муваффақиятига арзигулик ҳисса қўшди. Бригадага қарашли майдонлар ишчиларга бўлиб берилган. Ойрўзи ҳам эрта кўкламда 8 гектар ер ажратиб олганди. Ёз бўйи у самарали меҳнат қилди, барча агротехник тадбирларни сифатли бажаришга эришди.

Депутат аъзо бўлган бригада коллективи совхозда биринчилардан бўлиб зафар қучди. 69 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,6 центнер ўрнига 24 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Механизатор Санақул Қораев, сувчилар Ашур Хўжамуродов, Очил Қодиров, Шароф Қораев, ишчилар Ҳонимой Қодирова, Бувиайҳон Шерқулова, Ўғозгул Қораева, Хилола Туропова, Зулхумор Усмоновалар ҳам йил-ўн икки ой фидокорона меҳнатлари зое кетмади. Айни пайтда бригада деҳқонлари 1990 йил ҳосилига пухта замин ҳозирлашмоқда.

Ойрўзи депутат — халқ хизматкори эканлигини яхши билади ва шунга интилади. Сирдарё қишлоқ Советининг ижроия комитети биносида ўз депутатлик хонасида ойнинг маълум кунлари меҳнаткашларни қабул қилади. Сайловчилар унга турли ҳал бўлмаётган масалалар юзасидан мурожаат этишади, кўмак сўрашади.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

15 январь куни Кремлда СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Тоғли Қорабоғ автоном областида ва бошқа баъзи районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, СССР Бош прокурори Л. Я. Сухарев, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Э. М. Кафарова, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян ахборот бердилар. Масалани муҳокама қилишда Р. А. Бозорова, В. С. Шевченко, М. Р. Саргиев, В. Е. Курташин, В. Г. Кучеренко, Ю. И. Бородин, Г. С. Таразевич, Ч. Айтматов, Л. И. Лукьянов, Н. И. Рижков қатнашдилар.

Муҳокама натижалари юзасидан СССР Олий Советининг Президиуми «Тоғли Қорабоғ автоном областида ва бошқа баъзи районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида» фармон қабул этди. Фармон матбуотда эълон қилинади.

Жумҳурият янгиликлари

● «СРЕДАЗГАЗПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси газчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги «Дружба — Уренгой — Шўртон» ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун 15 миллион сўм ажратди. Бу ерда 10 минг бош чўчқага мўлжалланган чўчқахона қурилиши бошлаб юборилди, колбаса ва дудлаш цехлари жиҳозланмоқда. 6 гектар майдонда теплица қурилиши, 630 мингта товуққа мўлжалланган паррандахона, 500 минг бош молга мўлжалланган молхона барпо этилиши, насос станцияси кенгайтирилиши режалаштирилмоқда. 5—6 йил мобайнида 2400 гектар ер ўзлаштирилади.

Уй-жой муаммоси ҳам ҳал этилмоқда. Совхоз ходимларига пландаги 200 коттеждан ҳозиргача 17 таси топширилди.

Хўжаликда содир бўлаётган ўзгаришларни газ саноати ходимлари дарҳол ҳис этишди. Гўшт ва сут, «ўз томорқаларида» етиштирилган сабзавот ва мева билан таъминлаш анча яхшиланди.

● Уйчи темир-бетон буюмлари заводида очилган «Баҳор» кооперативининг маҳсулоти корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мутлақо ўхшамайди. Бу кооператив палос ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, — деб ҳисоблайди завод директори А. Тошмирзаев. — Кооператив очилишида корхонада асосан эркаклар ишлаётгани назарда тутилган эди. Завод посёлкасидаги аёллар учун эса ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун амалда имконият йўқ эди. Айни пайтда гиламдўзлик билан бизнинг регионимизда азалдан кенг шуғулланиб келинган. Шунинг учун ҳам биз хотин-қизларимиз кўнглига хуш келадиган корхонани ташкил этишга қарор қилдик. Кооператив аъзолари дастлабки кўникмаларни Ургутда ҳосил қилдилар. У ердан гилам тўқиш дастгоҳлари келтирилди.

Ҳозир бу дастгоҳларда қирққа яқин киши ишламоқда. Вилоят тўқимачилик корхоналарининг сунъий ва табиий тола чиқитлари ишлаб чиқаришимиз хом ашёсини ташкил этади. Энди эса ҳамма иш нақшларини яратувчи рассомлар фантазиясига, қизларнинг маҳорати ва чаққонлигига боғлиқдир.

Уйчида тайёрланган дастлабки палослар савдога чиқарилди. Улар давлат нархларидан қиммат эмас. Лекин уларнинг афзалликлари ҳам бор: кооператив палослари кўплаб чиқарилмаганлиги туфайли уларнинг нақшлари, ранги деярли такрорланмайди. Яна бир нарса: кооператив шахсий буюртмаларни ҳам қабул қилади.

(ЎзТАГ).

Истеъдодли фарзандларимиз камол топсин

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг президиуми республикада иқтидорли болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатлар очиш масаласини муҳокама қилди.

Ҳозир Ўзбекистонда маориф, маданият ва спорт соҳасида 32 та мактаб-интернат, олимпия резерви билим юрти, фанлар пухта ўргатиладиган бир нечта умумий таълим мактаблари ишлаётгани қайд этилди. Олимпиадалар, турнирлар, конференциялар ўтказиш анъана бўлиб қолди, бу тадбирлар иқтидорли болалар ва ўсмирларни аниқлаб олишга ёрдам бермоқда.

Аммо мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга таълим-тарбия бериш методикасини ишлаб чиқиши лозим бўлган республика халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг иши мунтазам тус олмаган. Бу муҳим ишга ижодий уюшмалар, илм-фан ва зиёлиларнинг таниқли арбоблари жалб этилмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1990—1991 ўқув йили даврида республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРда иқтидорли болалар учун бир қанча ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар очишга қарор қилди.

Иқтидорли болаларни фақат йирик саноат марказларидагина эмас, қишлоқ жойларда ҳам қидириш лозимлиги, улар учун барча зарур шароитлар яратиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика комсомоли Марказий Комитети, манфаатдор министрликлар, идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари истеъдодли ёшларни қидириш ва уларга таълим-тарбия бериш программасини ишлаб чиқишлари, бу ишда ўқитувчилар, муаллимлар ва илмий ходимларнинг фаол иштирокини рағбатлантирадиган тадбирлар системасини назарда тутишлари керак. Бунинг учун фақат уч ой мухлат белгиланди.

Программани муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидланади қарорда, иқтидорли ёшларни текшириб кўриш, уларга таълим-тарбия бериш ва камол топтириш юзасидан республика марказини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Қабул қилинган қарорда республика олий ўқув юртларининг ректорларига катта ҳуқуқлар берилди. Ректорларга республика, зона ва Бутуниттифоқ мактаб олимпиадалари, кўрик-конкурсларининг ғолибларини олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларсиз қабул қилишларига ижозат берилди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, республика Халқ таълими министрлиги билан биргаликда олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий уюшмалар ҳузурида гуманитар, химия-биология, физика-математика ва техника фанлари, спорт ва бадиий ижод бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг янги комплексларини қуришни назарда тутиш топширилди.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун ўқув планлари, программалар, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, ана шу муассасалар учун ходимлар штати ва мансаб маошларини тасдиқлаш назарда тутилди.

Газеталар, радио ва телевидение редакцияларига истеъдодли ёшларни қидириб топиш, уларга таълим-тарбия бериш муаммоларини мунтазам ёритиб бориш, шундай ёшлар билан ишлаш тажрибасини кенг кўламда тарғиб этиш топширилди.

(ЎзТАГ).



Фарғона пойафзал корхонасида ҳозирги кунда оёқ кийимларининг 50 дан ортиқ тури ишлаб чиқиляпти. Бироқ тўғрисини айтиш лозимки, биргина бу корхонада эмас, умуман жумҳуриятимизда чиқарилаётган маҳсулотлар ҳали жаҳон бозорида рақобат қилишга қодир эмас. Бироқ биз корхоналаримизда яратилаётган пойафзаллар Ғарбий Германиянинг «Саламандра»лари билан беллашишга эришишимиз керак. Бу эса халқ хўжалигини тубдан қайта қуришни тақозо этади. Ана шу масъулиятни яхши ҳис қилган Фарғона пойафзал корхонаси ходимлари ўз маҳсулотларини йил давомида юз фоиз янгилашмоқчи.

СУРАТДА: корхона ишчиси Фотима Мамасиддиқова.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

Москвада жаҳоншумул анжуман очилди

Сайёрамиз ва унда яшовчи барча жонзоднинг ҳаёти — хавф остида. Агар биз атмосферани булғатишга чек қўймасак, ер иқлими шу даражада ўзгариши мумкинки, унинг оқибатларини олдиндан сира айтиб бўлмайди. Ҳалокатнинг олдини олишимиз ва сайёрамизни миллий, мафкуравий, сиёсий ёки маданий тафовутлардан қатъий назар, ҳамма учун бехатар қилишимиз лозим.

15 январь куни Москвада «Омон қолиш мақсадида атроф-муҳит ва тараққиёт муаммоларига бағишланган жаҳоншумул анжуман» халқаро конгресси очилди. Анжуманда 82 та давлатдан бир мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда. Учрашувни қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган инсоният омон қолиши учун маънавий ва парламент раҳбарларининг жаҳоншумул анжумани совет ташкилотлари кўмагида уюштирди.

Академик Е. П. Велихов анжуманни табриклаб, бундан тўрт йил илгари худди шу куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 2000 йилгача ядро қуролини батамом тугатиш программаси билан чиққанлигини таъкидлади. Биз ҳозир ана шу режа амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Анжуман қатнашчиларини Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирим табриклади. Биз учинчи минг йилликка қандай ютуқлар билан кириб боришимиз тўғрисида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур, деди у ва анжуман қатнашчиларини, ер юзидаги барча кишиларни икки минг йил мобайнидаги цивилизация фаолияти якунини чиқаришга таклиф этди.

Сўнгра анжуманнинг ҳамраислари — Нью-Йоркдаги муқаддас Иоанна соборининг бош руҳонийси Жеймс Паркс Мортон ва сенатор Мануэль Уллоа (Перу) сўзга чиқдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Х. Перес де Куэльяр атроф-муҳитни сақлаб қолиш мақсадида ер юзидаги барча давлатларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Мазкур муаммога турли ёндашувларни — иқтисодий, сиёсий, гуманитар ёндашувларни муҳокама қилиш мумкин, деди у. Аммо жамоатчиликнинг экологияга муносабатида муҳим ўзгаришлар қилиш тақозо этилмоқда. Бундай ўзгаришлар рўй бериши учун бутун дунёнинг эътиборини вазифалар ҳеч кечиктирмай ҳал этилишига қаратиш зарур. Ер юзидаги барча кишилар бу қанчалик муҳим эканлигини тушунишлари лозим.

Норвегиянинг собиқ бош министри Гру Брунтдланд хонимнинг фикрича, анжуман инсон тафаккурида рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради. У ер иқлими фондини ташкил этишни таклиф қилди. Ана шу фондга саноати юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг ялпи даромадидан ажратмалар ўтказилади. Фонд экологик жиҳатдан соф технологияларни ривожлантиришда камбағал мамлакатларга ёрдам беради.

Ирокезлар конфедерациясининг оқсоқоли Одрей Енандоа буюк ҳаёт жараёнида ҳамма нарса муҳим деб ҳисоблайман, деди. Биз — жонли мавжудотлар яқин кишиларимизга ёмонлик қилмаслигимиз зарурлигини ёдда тутишимиз лозим. Нотиқ ўз халқидан анжуман қатнашчиларига самимий кутловлар топширди.

Анжуман муаммоларнинг ташкилий жиҳатларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий семинар ҳам, конференция ҳам эмас. Анжумандан мақсад одамлар онгини шакллантирадиган сиёсатчилар ва дин арбобларини бирлаштиришдан иборат. Жаҳоншумул анжуман ғояларини дунё халқларига тўлароқ етказиш учун Москвадаги учрашувда олимлар, экология ҳаракати фаоллари, корхоналарнинг раҳбарлари, касаба союз арбоблари, рассомлар, журналистлар ҳам иштирок этмоқдалар.

Анжуман ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

Эзгуликни халқ яратади

Урта Осиёдаги илк илм даргоҳи бўлган дорилфунунимиз бу йил ўзининг 70 йиллик шонли тўйини нишонлайди. 70 йил. Машаққатли ва олис бу йўл ўз-ўзидан босиб ўтилмаган албатта. Бироқ унинг тарихи муфассал ёритилган деб бўлмайди. Шу боис дорилфунунимизнинг тарих музейи ҳузурида «Қидирув» группасини ташкил этдик. Бу группанинг ўз олдига қўйган мақсади: қатағон йилларида бегуноҳ азият чекканлар, беайб қамалганлар, Улуғ Ватан уруши йилларида қўлидаги қаламини қуролга, китобини снарядга, ўтирган стол-стулларини танкларга, қирувчи самолётларга алмаштирган собиқ ўқитувчилар ва талабаларни топиш, улар ҳақида маълумотлар тўплаш ва ҳаёт йўлларини ўрганиш.

Дорилфунунимизнинг тарих китобини яратиб, унинг шонли 70 йиллик тўйига совға қилсак, ҳам тарих олдида, ҳам келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Ёруғ юзлилик бўлиш бир қисмгина мутахассислар ёки тарих музейи ходимларининг қўлидан келмайди. Эзгуликни фақат халқ яратади. Шунинг учун биз «Қидирув» группаси аъзолари «Ёш ленинчи» орқали барча юртдошларимизга мурожаат қилиб, дорилфунун тарихини яратишга ёрдам беришларингизни сўраймиз. Сизларга собиқ ўқитувчилар, талабаларнинг ҳаёти, уларнинг оила-аъзолари, фарзандлари таниш бўлса ажаб эмас. Билган, кўрган ва кечирганларингиз ҳақида бизга, қуйидаги адресга ёзиб юборинг:

Тошкент—95, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ асосий биноси, 13-қават. Тарих музейининг «Қидирув» группасига.

Миннатдормиз

Мактаб ислоҳоти бошланганига беш йилдан ошиқ вақт ўтди. Аммо илм масканларимизда айтарли ўзгариш сезилмаётган эди. Иш мактабнинг моддий техника базасига бориб тақалиши билан таълим-тарбия соҳасида ечилиши лозим бўлган масалалар ҳал этилмай қолаверади. Шуни очиқ-ойдин эътироф этиш керакки, билимлар масканига таъминот томонидан ёрдам кўрсатилмас экан, бу борада бирон ютуққа эришиш мушкул.

Мактабимизда 670 нафардан ошиқ болалар таҳсил оладилар. Улар бир сменада ўқишади. Ўқувчиларнинг яхши ўқиши, дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ва ниҳоят, биз педагогларнинг дардини тинглай бошлашди. Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукуматининг қабул қилган махсус қарорини тилга олиш жоиз. Бу қарорга асосан, 64 миллион сўмдан ошиқ пул ўқувчилар нонуштаси учун ажратилган.

Эндиликда мактабимизнинг 1-5-синф ўқувчилари текин нонушта қилаяптилар. Нонуштага сут, булочка, мураббо берилмоқда. Болаларни «Коммуна» жамоа хўжалиги сут билан таъминлаяпти.

Кичкинтойларга нонуштанинг давлат томонидан берилишини ота-оналар миннатдорчилик билан кутиб олишди.

М. НУРМЕТОВ,
Боғот ноҳиясидаги ал Хоразмий номли мактаб директори.

Шу сонга хабар

Тақдирни енгиб

САМАРҚАНД. Вилоят комсомол қўмитаси вилоят маданият фонди билан биргаликда Советобод ноҳиясининг Нуробод шаҳрида шу ерлик рассом, шоира Самарқанд вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати Любовь Старцева ижодига бағишланган кеча ўтказди.

Оғир хасталик тўшакка михлаб қўйган бўлишига қарамай, тақдирни енгиб яшаётган, ўз бахтини ижоддан топган бу иродали аёл ҳақида матбуотимиз илгари ҳам ёзган эди. Кечада Л. Старцеванинг рангтасвир асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Учрашув қатнашчилари — ноҳия меҳнаткашлари, ёшларига Е. Ташлицкий бошчилигидаги «Доминанта» ансамбли ижросида шоира шеърларига басталанган қўшиқлар, у ҳақда олинган видеофильм катта таассурот қолдирди. Кечада Советобод ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби А. Очилов ва вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Б. Зокировлар иштирок этишди.

Шунингдек, Оқдарё ноҳиясида вилоят комсомол қўмитаси ташаббуси билан гўзаллик кўриги ўтказилди.

Ечим изланяпти

Яқинда бўлиб ўтган Бухоро вилоят комсомолларининг конференциясидан сўнг вилоят шаҳарларида янги сайланган бошланғич комсомол ташкилотлари котиблари ўқуви давом этяпти.

Шунингдек, ёш сайловчилар билан иш олиб бориш мақсадида махсус клублар тузилган. Вилоят комсомоллари олдида турган вазифаларни аниқлаб олиш, долзарб муаммо бўлиб қолаётган ишсизлик масаласининг ечимини топиш мақсадида ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари котиблари билан вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Ю. Сажнев учрашди.

Афғонистонда ҳалок бўлган бухоролик 97 йигит хотираси учун ўрнатилажак ҳайкал кўриги давом этмоқда. Вилоят комсомол қўмитаси таъсисчи сифатида кўрик якунларини аниқлаш учун бу ишга шу ерлик меъморларни жалб этди. Бухоро шаҳридаги иккита болалар уйи тарбияланувчилари учун ўйин майдончалари бунёд этилмоқда. Унга вилоят комсомол қўмитаси ўн минг сўм атрофида маблағ ажратган эди.

Уч Бахтиёр ташаббуси

ХОРАЗМ. Хива шаҳрида ёшлар маданият маркази ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг қурилишини ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Бахтиёр Жуманиёзов сайлов вақтида мажбурият сифатида ўз зиммасига олганди. У ваъдасини бажарди. Албатта бу ишда Бахтиёр ҳамфикрларисиз қийналган бўларди. Хива пахта тозалаш заводи директори Бахтиёр Юсупов марказ қурилишини маблағ билан таъминлашда унга керакли анжомлар, видеоаппаратлар олиб беришда кўмаклашган бўлса, шаҳар ижроқўмининг раиси Бахтиёр Нурметов қурилиш ташкилотлари кучини жамлади. Ёшлар маданият маркази шундай қад кўтарди. Ҳозир тўйлар ва бошқа тадбирлар шу ерда ўтказилмоқда.



Комсомолда неча йил ишлаш мумкин? Беш йилми, ё ўн йилми? Беш йилку, бир нави, лекин комсомолда, яъни бир ташкилотда ўн йил «ўтириб қолиш» кўплар учун ҳайратланарли ҳол бўлиши турган гап.

Сиз суратда кўриб турган аёл — Ёқутжон опа Абдуллаева хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг йигирма йилдан буён Хоразм вилоят комсомол қўмитасида қабулхона бекаси бўлиб ишлаб келяпти. Камдан кам ҳол, тўғри эмасми? Ёқутжон опа вилоят комсомол қўмитасининг кейинги йигирма йиллик тарихини яхши билади. Кечаги ёшлар қандай бўлишган, ҳозирчи? Бу саволларга у ҳеч қийналмай жавоб бера олади. Комсомол ҳаётидаги ўзгаришлар, янгича иш усуллари Ёқутжон опани ҳам қувонтиради. У ўзини жамиятнинг энг қайноқ оқими — комсомол-ёшлар билан бирга жуда яхши ҳис этади.

Сураткаш Ж. ҚОЗОҚОВ.

Мактаб: диққат, янги тажриба!

«ЭКРАН» МЎЪЖИЗАСИ

Болтабой МИРЗАЖОНОВ — Андижон вилоятининг Пахтаобод ноҳиясидаги 28-ўрта мактабда мураббий. У 40 йилдирки, ўқитувчи. Кўп навбатни болалар даврасида ўтказгани, шогирдларининг ҳар бир ютуғидан самимий қувонгани учунми уни ҳамкасблари педагог бўлиб таваллуд топганлардан дейишади. «Ҳеч ким дилозор бўлиб туғилмайди. Ҳамма иллат тарбиячининг лоқайдлигида, тарбиянинг бўшлиғида, муҳитда», дейди Болтабой ака. У жамиятга кўп ташвиш келтираётган бу иллатлардан қутилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Фақат бунинг учун унингча, ўзи яратган «экран»га бир назар ташлаб олиш кифоя. Дарвоқе, Андижон вилоятининг Пахтаобод, Наманган вилоятининг Учқўрғон ва Уш вилоятининг Ленин ноҳиясидаги қатор мактабларда унинг тажрибасини қўллаб, бунга ишонч ҳосил қилишган. Қандай тажриба, дейсизми? Яхшиси, бу ҳақда Болтабой аканинг ўзи ҳикоя қила қолсин.

Негадир биз шу пайтгача болаларнинг бирор кўрсатма билангина иш қилишини ёқлаб келдик. Уларнинг бу ишга муносабат билдиришларини эса истамадик. Бора-бора бу ҳадикка айланди. Кейинги вақтда ана шу ҳадикнинг йўқолиши учун бир «чора» топилгандай бўлди. Бу — ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш методи эди.

«Болалар мактабнинг бутун ҳаётида иштирок этишлари керак. Бунинг учун улар ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқидан фойдаланишлари ва бир-бирларига фаол ўзаро ёрдам кўрсатишлари лозим. Улар давлат гражданлари бўлишга тайёрланар эканлар, мумкин қадар эртароқ ўзларини ўз мактабларининг гражданлари деб ҳис этишлари даркор» деган эди кўп йиллар муқаддам Н. Крупская.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Ўзингни бирор жойнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис этмоғинг учун ўша ернинг нима билан ва қандай «нафас олиши»дан огоҳ бўлишинг керак.

Ўз-ўзини бошқариш нима ўзи? Нима учун у зарур бўлиб қолди? Аввало, ўқувчида мустақил фикрлашни ривожлантириш учун, унда ташаббусни ўстириш учун. Бу қирралар эса болаларнинг келгуси ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, улар коллектив бўлиб ишлашни ўрганадилар. Тенгдошлари билан ҳамкорлик қила бошлайдилар. Шунингдек, коллектив бўлиб ишлашда болаларнинг қобилияти ва шахси, истеъдодлари тўла ва ҳар томонлама ривожлана боради.

Лекин буни қай йўл билан уларнинг онгига тўлароқ етказиш мумкин? Ана шу саволга жавоб топишга уриниб кўрдим.

Вақти келганда бирор парта, стулнинг синиб қолгани учун ўқувчи жазоланади. У мактаб мулки — ўз мулки эканлигини бор вужуди билан ҳис қила олмайди. Тўғри, синфнинг озодалиги, хонадаги кўргазмали қуролларнинг — бор нарсанинг борлигича сақланиб қолиши учун ўқувчилар орасидан ҳар куни навбатчи тайинланади. У ўзини ана шу нарсалар учун бир кунгина «жавобгар» деб сезади. Иккинчи куни бу ҳақда бошқа биров ўйлаши кераклигини ҳам яхши билади.

Бошқача йўл топишга тўғри келди. Болаларни нафақат қизиқтириш, балки ўша қизиқиш туғдирган нарсаларни ўзлари амалда қўллашларига ҳам эришиш керак, деб билдим.

Ана энди синф навбатчилари бир кун эмас, ҳафта давомида ўз «жавобгарлик»ларини билишади. Бу нафақат синф озодалиги учун. Йўқ бу жуда тор тушунча ва қараш бўлур эди. Энди ўқувчилар ўз ўқитувчиларини ҳам назорат қила оладилар, ўтилган дарсларга муносабат билдирадилар. Фаолроқ бўлишга ҳаракат қиладилар. Чунки ҳар бир ўқувчининг қиёфаси экран журналида ўз аксини топа боради. Унинг бир кунда қанча ва қайси фанлардан қандай баҳо олганлиги ва бу тўғри ёки нотўғри баҳоланганлигини ҳам била олади.

Ота-оналар ҳам фарзандларининг ўқишига ҳушёррок бўлиши кераклигини тан олишмоқда. Ахир қайси ота-она ўз ташкилотига фарзандининг дилни хуфтон қилувчи хулқи ҳақида ёзма хабар олишни истайди, дейсиз. Ана энди боласининг кундалик дафтарини ҳар куни кузатиб бориш зарурати ҳам туғилади.

Болалар руҳиятига жуда осон таъсир этиш мумкин. Бунинг учун синфларда кундалик дафтар ўрнига ҳафталикнома жорий этилди. Ҳафталикнома тўрт саҳифадан иборат бўлиб, саҳифаларни болаларнинг ўзлари тайёрлашади.

Ҳафталикномада ўқувчининг ҳафта давомида фанлардан олган баҳолари, хулқи, ўтилган мавзуларни ўзлаштиришга бўлган ҳаракати қайд этиб борилади. Кейинги саҳифалар «Ҳамкорлик» деб номланган. Бу саҳифаларга ўзининг дарсларни ўзлаштириши, намунали хулқи билан ҳафта якунига кўра ғолиб чиққан ўқувчининг ота-онасига ўқувчилар қўмитасининг миннатдорчилик мактуби битилди. Охирига синф раҳбарининг фикри ҳам қайд этилади.

Мана, ана шу ҳафталикноманинг биридан кўчирма:

«Ҳурматли Абдумалик ака ва Тожинисо опа. Сизнинг фарзандингиз, 26-мактабнинг 8«Б»-синф ўқувчиси Дилдора Жонпўлатова ҳафта давомида синф ўқувчилари орасида 89 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Ана шундай фарзанд тарбиялаётганларингиз учун сизларга ташаккур билдирамиз».

Албатта, ҳар бир ота-она учун бу қанчалик қувонч келтиришини ҳис қилиш қийин эмас.

Синф экрани орқали ўқувчилар коллективи ўз раҳбарлари билан ҳафталикка якун ясайдилар, кейинги қилинадиган ишларни белгилаб оладилар. Ҳамкорликни кучайтирадилар. Шу тариқа ўзаро ҳурмат шаклланиб боради.


Болаларда бир-бирига интилиш кучли бўлади. Майли, улар ўртоғидан кўпроқ баҳо олишга интилишсин. Гап баҳо олишда эмас, унга бўлган интилишда. Ўша интилиш мутолаа қилишга ундашлигида.

Биз, педагогларнинг нияти — фарзандларимиз билимли бўлсин. Шусиз ҳам кейинги пайтларда рўй бераётган турли-туман воқеалар, ҳолатлар уларни билим олишдан чалғитмоқда. Болаларимиз эртароқ улғайиб қолишаётгандек. Фикр юритиш, муносабат билдириш, хулоса чиқариш — ёшга нисбатан эртароқ бўляпти.

Бу синф экрани ўқувчиларни албатта, фойдали мўъжизаларга дуч келтиради, деб ишонамиз.

«Синф экран»лари кенгайиб, «мактаб экрани»га айланади. Бунда ҳам мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги нуқсонларни бартараф этишда ёрдамга келади. Ахир «мактаб экрани»да ўқувчилар ва ўқитувчилар меҳнати атрофлича баҳоланади-да. Мазкур экранда ўқитувчи айби билан ўтилмай қолган дарс соатлари ҳам, синф ўқувчилар коллективининг эриша олмаган ишлари ҳам акс этади. Вақти-вақти билан кузатувларга якун ясалади. Илғорлар рағбатлантирилади, қолоқлар «жазоланади». Бу тадбирнинг ўзиёқ коллективда социалистик мусобақанинг кенг йўлга қўйилишига сабаб бўлади.

«Экран» мўъжизасининг сири шу. Бордию, мактабда ўз-ўзини бошқариш ишларини йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг давр талаби асосида таълим ва тарбия олишини истасангиз, синаб кўринг. Натижа берса, биз хурсандмиз. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни ҳам билишни истаймиз.



«Ҳамқишлоқлар» почтасидан

Китоб ўқимаган муаллим

Қишлоққа борганимда, кутубхона мудираси Тўхтатош Турдиева билан суҳбатлашаман. Чунки, у кўпчиликнинг ўй-ташвишларидан хабардор. Кишиларнинг маънавий гўзаллиги ҳақида қайғурадиган, уларнинг дардини қалбан тушунган инсон. Адабиёт ихлосманди. Шеърлар машқ қилиб туради. Унинг баъмани сўзларининг мағзини чақишга ҳаракат қиламан.

— Ёш китобхонларнинг дунёқараши, ўқиётган китобларининг мавзуси қандай? Улардаги билим, дунёни тушуниш ҳозирги кун талабига жавоб берадими?

У бир зум ўйга толади-ю, вазминлик билан сўзлай бошлайди:

— Биласизми, мен шу саволни ўзимга берганимда доим ўйланиб қоламан. Сиз сўраётган китобхон қишлоқда жуда саноқли. Борлари ҳам юзаки ўқишади. Кўпчилик эса эртакка ўч.

Болани ўқишга, билим олишга қизиқтиришда гап кўп. Қолаверса, билимли ўқувчини тарбиялаш учун ўқитувчининг савияси баланд бўлмоғи лозим. Яқинда 7-синф ўқувчиси келиб ўқитувчисига Ғафур Ғуломнинг «Нурхон» драмасини топиб беришимни илтимос қилди. Ўйланиб қолдим. У бунақа драма ёзмаганди-ку! Комил Яшиннинг «Нурхон» драмасини бериб юбордим. Ўша экан. Мана сизга ўқитувчининг савияси...

Совхозимизда тўртта ўрта мактаб бор. Неча йилдан буён шу кутубхонада ишлайман-у, бирор марта адабиёт ўқитувчисининг бадиий китоб излаб келганини кўрмадим. Тўғри, мактабларда ҳам кутубхона бор. Лекин, унда ҳамма адабиётлар топилавермайди. Адабиёт фани ёмон ўқитилаётган илм даргоҳида ўқувчилар бирор мавзуда баҳслаша олмайдилар. Сабаб, мустақил фикр йўқ. Демакки, таҳлилни билишмайди. Таҳлил қилолмаган ўқувчи эса на иншо ёза олади, на ўз она тилини яхши билади.

Тўхтатош опа беш фарзанднинг волидаси. Болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришда ота-оналарнинг таъсири ҳақида гапиришини илтимос қиламан.

— Қишлоқда ўз боласининг ўқиши, маънавий дунёсининг бойиши учун қайғурадиган ота-оналар саноқли. Ўзбекчилик, деймизда, ўзимиздан катта нотўғри гапирса ҳам тасдиқлаймиз. Ёшлар катталарга сал қарши гап қилса, «одобсиз»га, «тарбия кўрмаган»га чиқарамиз. Уларни катталар даврасидан четлатишга ҳаракат қиламиз. Нега? Чунки оддий суҳбатларимизда ҳам турли шармсиз сўзларни ишлатаверамиз. Шундай ҳолатлар учрайдики, болаларнинг қўлида «Ёш гвардия» тамғаси босилмаган китобни кўрсак, олиб қўямиз. Ваҳоланки, уларга ўқиш учун қанақа мавзудаги асарларни тавсия қилишга ҳам ожизмиз. Бу турган гап. Мурғак қалбнинг сезиб-сезмай фикрлаш қобилиятини йўқотмаяпмизмикин!

Далада ишлайдиган аёлларга ачинаман. Эрта баҳордан қишгача даштда. Ҳеч бўлмаганда оналарнинг иш соатини бир-икки соатга қисқартириш керак. Ўшанда боласи билан ишлашга ҳам вақт ажратади. Фикримча, оилавий звенонинг тузилиши маънавий қашшоқлашиб кетишимизга сабаб бўлади.

Бола мактабдан келиб, чойини ичади-да, далага чопади. Кечқурун чала-чулпа овқатланиб, дарсга ўтиради. Дарсини қўл учида бажаргач, ухлайди. Она бечора ҳам чарчаган, боласига қандай қарасин!

Суҳбатни қоғозга туширайтиб, ўйланиб қолдим. Ахир, гурунгимиз китоб мутоласи ҳақида эди-ку! Қанчалик чуқур таҳлил қилмай, гап келиб китобхонга тақалаверади. Китоб ўқиш учун эса унинг на имкони, на вақти бор. Тўхтатошнинг сўзлари ўйлантириб қўйди: Оилавий звено яхши самара беряпти. Лекин ҳаёт фақат МЕҲНАТдан иборат эмас-ку!

Ҳ. САЛИМОВ,
ТошДУ журналистика факультети талабаси.

Хорижддан хабарлар

Телетайп лентасидан

✦ БЕРЛИН. ГДР пойтахти марказидаги биноларнинг деворлари ва витриналарга бўёқ чапланган — буларнинг ҳаммаси янги нацистлар «фаолияти»нинг янги изларидир. АДН агентлигининг хабар қилишича, шаҳар марказидаги Қизил Ратуша ва Александерплатцдаги телевизион минора иншоотлари яқинида якшанбага ўтар кечаси қора бўёқ билан нацистларнинг шиорлари ва фашистларнинг рамзий белгилари чизиб кетилган эди. ГДР пойтахти жиноят қидирув полициясининг журналистларга хабар қилишича, шаҳарнинг турли районларида шунга ўхшаш бошқа ишлар қилиниб, жамоат тартиби бузилган. Бу ишларнинг барчаси юзасидан тергов олиб борилаяпти.

✦ ТОКИО. Япония социалистик мамлакатларга экспортни назорат қилиш комитети (КОКОМ) Польша ва Венгрияга нисбатан қўллаётган қаттиқ чеклашларнинг юмшатилишига эришишга қарор қилди. «Иомиури» газетаси бир қанча Европа давлатларига қилинган сафарда Бош министр Тосики Кайфу билан бирга бўлган ҳукумат расмий вакилларидан бирининг баёнотига асосланиб, шу ҳақда хабар қилди. Бу масала комитетнинг шу йил февраль ойида Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлиси чоғида Япония делегацияси томонидан кўтариб чиқилиши кутилмоқда.

КОКОМнинг социалистик мамлакатларга «Стратегик моллар» деб аталувчи молларни етказиб беришни таъқиқловчи қоидалари Польша ва Венгрия билан иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг бир қанча лойиҳаларини амалга оширишга ҳалал бериши мумкинлигидан Токио жиддий ташвишда эканлиги, деб таъкидлайди газета, шундай иш тутишга асос бўлди. Япония ҳозирнинг ўзидаёқ бу икки мамлакатнинг ҳар бирига 500 миллион доллардан имтиёзли қарз бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

Япония ибодатхоналари байрамлардагидек гавжум. Қизлар ранг-баранг миллий кимоноларда, йигитлар эса сипо расмий либослар кийиб эрта тонгданоқ диний расмрусмларни бажариш учун бу ерга келдилар. Кун чиқар мамлакат миллий байрам — балоғатга етиш кунини нишонламоқда. Ҳар йили 15 январда шу кунга келиб йигирма ёшга тўлганлар ўзларининг катта ҳаётга қадам қўйганликларини байрам қиладилар. Ҳозир, Япония маъмурий - мувофиқлаштириш бошқармасининг маълумотларига қараганда, мамлакатда 1 миллион 800 минг, ўтган йилдагидан 10 минг нафар кўп йигирма ёшли йигит-қиз бор. Улар мамлакат бутун аҳолисининг 1,5 фоизини ташкил этади. Анъанага кўра, байрам куни маҳаллий маъмурлар улар шарафига муниципалитетларда тантанали қабул маросимлари уюштиришади, қариндош-уруғлар эса балоғатга етган йигит-қизларга совғалар беришади.

Балоғат ёшига етиш байрами Японияда эдо даври (1600—1868 йиллар)да йигит ва қизларнинг катта ҳаётга қадам қўйишини нишонлаш маросими сифатида вужудга келган эди.

✦ ДЕҲЛИ. Покистон территориясида ўргатилган террорчилар Ҳиндистоннинг Жамму Кашмир штатида уюштирган бир қанча портлатишлар оқибатида, деб хабар беради ЮНИ агентлиги, бешта мактаб вайрон қилинди, бир нечта ҳукумат муассасалари биносига ва госпиталга шикаст етди. Кашмирлик экстремистлар билан полиция ўртасида бўлиб ўтган кўплаб отишмалар натижасида бир киши ҳалок бўлди, тинч аҳолидан тўрт киши яраланди. Штатнинг еттита йирик шаҳрида комендантлик соати жорий этилганига қарамай, Жамму ва Кашмирдаги вазият кескинлигича қоляпти.

Агентлик бир йил муқаддам штат губернатори қилиб тайинланган К. В. Кришна Раонинг истеъфога чиққанлигини ҳам хабар қилди.

(ТАСС).

ҚОРАДОРИ ЖИНОЯТЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ

БОГОТА. (ТАСС). Колумбия армиясининг тўртинчи бригадаси полиция бўлинмаларининг мадади билан қорадори жиноятчилигига қарши кенг миқёсли курашни давом эттирмоқда. Маҳаллий «қорадори баронлари» пойтахти деб ҳисобланадиган аянчли ва машҳур Медельин шаҳрининг турли ноҳияларида шундай кураш бормоқда.

Кейинги бир неча кун мобайнида «Медельин картели»нинг бошлиғи Пабло Эскобар хизматига ёлланган каллакесарларнинг 15 тўдаси қуролсизлантирилди. Улардан кўплаб миқдорда қурол-яроғ ва портловчи модда, турли ҳарбий анжомлар, шунингдек, бир неча ўнлаб автомашина ва мотоцикл тортиб олинди. Колумбияда чиқадиган нуфузли «Тьемпо» газетасининг хабарига кўра 2,5 мингдан ортиқ киши қамоққа олинган. Бандит тўдаларининг бир қанча бошлиқлари шулар жумласидандир. Жиноятчилар билан отишма чоғида икки ҳарбий хизматчи ўлган.

Операцияга бошчилик қилаётган генерал Писарронинг айтишига қараганда, армия бўлинмалари Медельин шимоли-шарқий округида фаол ҳаракат қилмоқда. Матбуотнинг ёзишича, ҳозирги вақтда қарийб 200 та тўда шаҳарда иш кўрмоқда. Шулардан 150 таси бевосита Эскобарга бўйсунади.



ЛАОС ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ЖУМҲУРИЯТИ. Халқ ҳокимияти йилларида қўлга киритилган энг муҳим ғалабалардан бири — бу ерда яшаётган турли хил этник гуруҳларнинг биродарлашувидир. Айниқса, бунга лао-сунг, лао-цум ва лао-тенг этник гуруҳларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жумҳуриятда жами 70 га яқин тенг ҳуқуқли қабила ва халқ яшайди.

СУРАТДА: Лао-тенг этник гуруҳнинг вакиласи.

М. ПОТИРНИКЕ сурати (ТАСС).

Қайта кўриб чиқилмоқда

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Қўшма Штатлар оппозициячилар ҳарбий ҳаракатларда сезиларли даражада муваффақиятга эриша олмаётганлиги, шунингдек, муҳолиф исёнчи гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар авж олаётганлиги муносабати билан Афғонистонга нисбатан ўз сиёсатини қайта кўриб чиқмоқда. «Вашингтон таймс» газетаси Ж. Буш маъмуриятининг мансабдор ходимларига таяниб, шу ҳақда хабар берди. Газетанинг фикрича, регионда АҚШ сиёсий йўлининг Оқ уй томонидан таҳлил этилиши пировард натижада афғон исёнчиларига Америка қурол-яроғларини етказиб беришни тўхтатишга, шунингдек, БМТни Афғонистондаги можарони бартараф этишга уринишларга янада фаол жалб этишга олиб келиши мумкин.

«Вашингтон таймс» газетаси шу муносабат билан таъкидлайдики, «янги ғоялар ўртага қўйилмоқда ва маъмурият ўз йўлини Афғонистондаги ўзгарган вазиятга мослаштиришга уринмоқда. Шу тариқа маъмурият Совет ва Америка томонининг мамлакатга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш тўғрисидаги илгари ўзи рад этган таклифни кўриб чиқишга киришди».

ЛОНДОН. (ТАСС). Америкаликлар томонидан қўллаб-қувватланаётган афғон қаршилик кучлари улар олдига Вашингтон қўйган вазифани — Кобулда ҳукуматни ағдариб ташлашни уддалай олмади, деб уқтиради Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси.

Мужоҳиддинлар урушда мағлубиятга учраётганлиги туфайли президент Нажибулло обрў қозонмоқда, деб таъкидлайди ўз навбатида «Гардиан» газетаси таҳлилчилар фикрига таяниб.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АЛИСА БИРИНЧИ БЎЛДИ

✦ ЭНДИГИНА ЙИГИРМА ИККИ ойлик бўлган Алиса исмли қизчанинг номи 1989 йилнинг 29 ноябри куни Америка медицинаси тарихидан ўрин олди. Техаслик ўқитувчи бўлган 29 ёшли аёл Терри Сматнинг жигаридан бир парчаси кизи Алисага кўчириб ўтказилди. Узоқ давом этган мураккаб операция муваффақиятли чиққан ва медицина ходимларининг фикрига кўра унга тез кунда онаси билан бирга Шертц шаҳарчасидаги уйига жавоб берса бўлади. Февраль ойидан бошлаб, чикаголик хирурглар ҳар ойда икки марта соғлом донорлардан олинган жигарни кўчириб ўтказишни мўлжалламоқдалар.

ҚУЛФОЧАР РОБОТ

✦ ҲОЗИРГИ ЗАМОНАВИЙ роботлар жуда кўп нарсаларнинг уддасидан чиқишади. Калифорния университетининг студентлари эса ўзлари ясаган роботни ҳеч қандай калитсиз хоҳлаган сейфни оча оладиган қилганлар.

У худди тажрибали қулф бузардек барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда рақамли дискларни бурайди, уларнинг айланишига қулоқ солади. Бир ярим минутга қолмай ҳар қандай мураккаб рақамли коди бўлган сейфни ҳам очади.

Хўш, бу нима учун керак? Бу ишни бажаришни талабаларга профессорлар буюртма беришган. Чунки улар ёки сейф қулфининг шифрини тез унутиб қўядилар ёки калитни йўқотадилар. Аммо, деб ёзади Болгарияда чиқадиган «Фан ва техника» журнали патент бюроси уни рўйхатдан ўтказишга рухсат бермаган. Чунки битта яримта одам яширинча ундан нусха кўчириб гангстерларга сотиб юбориши мумкин, экан.

РЕНТГЕН ЁРДАМ БЕРДИ

✦ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАЗЕЛЬ ШАҲРИДАГИ заргарлик дўкони эгаси британиялик бир туристдан қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаган деб гумон қилади. Уни ушлаб полиция участкасига олиб келишганда ҳеч нарса топиша олмайди. Туристдан энди кечирим сўрашмоқчи бўлиб турганда полиция хизматчиларидан бири уни рентген ёрдамида текшириб кўришни айтиб қолади. Буни қарангки, қаллобнинг ошқозонида нархи уч минг Швейцария франки турадиган узук бор экан, деб ёзади ГДРнинг «Нойс Дойчланд» газетаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚОДИР ҚАЛБ

«ГЎЗАЛЛИК яратишга қодир қалбнинг ўзи ҳам гўзалдир!» — Мен бу фикрни ўзим учун қачон кашф этганимни эслаёлмайман, лекин буюк рассом Чингиз Аҳмаровнинг маънавий дунёси билан илк бор танишганимдаёқ, унинг қанчалар ҳақиқатга яқин эканлигини тушуниб етдим. Қаршимда гўзаллик яратувчисининг чинакам тимсоли турарди. Ўзининг масъулияти билан бир вақтда ғайритабиий ички куч соҳиби бўлмиш бу зот мени ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлашга, ижод ва машаққатнинг изтироблари сўқмоқларига ўзгача назар солишга мажбур этди. Инсон нега яшайди? Бутун умри давомида нимага интилади? Нега у ожизлик олдида тан беришни истамайди? Шу каби азалий ва абадий саволларга мен биринчи бор Чингиз Аҳмаров даргоҳида жавоб топгандек бўлдим.

* * *

ИСЛОМ динида киши суратини чизиш бидъат ҳисобланади. Эмишки, нариги дунёда, сўроқ-жавоб чоғида рассомдан у чизган суратларга жон киргизиш талаб қилинармиш. Бу хурофотми ёки муқаддас ақидами — аниқ билмайман, аммо асрлар оша бу тақиқ ўз кучини сақлаб келган, инсон тасвирини рангларда гавдалантиришга йўл қўйилмаган. Билиб-билмай киши суратини чизиб қўйган мусаввирни шариат кофирликда, худосизликда айблаган. Санъатга бўлган бундай муносабат минг йиллар давомида мусулмонлар руҳига сингиб кетган. Бир сўз билан айтганда, инсон суратини чизмоқчи бўлган рассом худога қарши борган.

Бугунги кун рассомларини бундай тушунчалар таъқиб остига олмайди. Энди улар истаган кишиларнинг суратини чизишлари мумкин.

* * *

XX АСРГА келиб Ғарб санъатида бутунлай тўнтариш юз берди. Хусусан мусаввирликда. Пикассо ва унга кўр-кўрона тақлид қилувчилар рассомчиликда янги дунё кашф этдилар. Уни ўрганиш, тасвир объекти чуқурлашди, туйғуни, фикрни рангларда бериш янада мавҳум кўриниш касб эта бошлади.


Чингиз Аҳмаров Ғарб рассомчилик оламидаги янги ҳавони ўзбек мусаввирлик санъатига олиб киришга ҳаракат қилди. Бунда у санъат тафтиш ва ташвиқот ишига эмас, гўзалликни сақлаш ва уни қайта яратишга хизмат қилмоғи керак, деган ўз эътиқодига қарши бормади. Яна у Достоевскийнинг «Миллий-маънавий мерос — мана ижодкор нимага суяниши, нимадан озиқланиши керак», — деган ўлмас сўзларини доимо ёдда тутди. У ҳар бир асар яратишдан олдин Навоий шеъриятига мурожаат қилди, ундан илҳомланди, ўша ўтмиш замон кишиларини ҳозирги давр санъат мезонларига солиб, кўз олдимизда гавдалантириб берди. Киши тасаввурларини нафосат олами томон етаклаб кетгувчи Аҳмаровнинг ранглар симфонияси эзгуликни куйлади, қўполликнинг бесўнақай кўринишларини енгиб ўтиб, инсон руҳиятининг нозик ва нафис туйғуларини бўёқларда акс эттирди. Асарларида сиз ҳаётнинг жирканч бурчакларини, разолат ботқоғига ботган ифлос кишиларнинг қиёфасини, шахсий манфаат йўлида топтаб, хўрлаб ташланган инсоний муносабатларнинг қийноқли тасвирини учратмайсиз. Балки бунга сабаб рассомнинг маъсум ва ишонувчан кўзлари унга ҳаётни гўзал кўрсатар, балки унинг қалби фақат гўзалликнигина идрок қила олар, балки у дунёни ўз тасаввуридек гўзал қиёфада, инсон аҳлини фақат олижаноб туйғу ва ҳислатлар оғушида кўришни истар... Менимча, буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга яқин. Балки хил яхлитликда туради, зеро ҳар қандай ижодкор ўз қалби ва истагини асарларига сингдиради.

Чингиз Аҳмаров ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, юзлаб мақолалар, минглаб фикрлар айтилган ва айтилмоқда. Менинг ушбу заифона иншоим бу улкан фикрлар уммони қаршисида майда мулозаматга ўхшаб қолмаслиги учун ижодкор шахсининг қайси жиҳатларини чизиб бермоғим лозимлигини у билан учрашувга отланган чоғимда ҳали яхши билмас эдим. Биладиганим шу эдики, ҳозир мен Ўзбекистон халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Иттифоқ монументал рассомчилигида йирик ўрин эгаллаган машҳур ва маълум санъаткор уйига бораётгандим. Чингиз Аҳмаровнинг шуҳрати менга ўз таъсирини ўтказган, «шундай таниқли киши суҳбатига лойиқмиканман» — деган ҳадик шууримда иккиланиш уйғотган эди. Тош зинадан охиста қадам ташлаб, мусаввир уйи томон кўтариларканман, қаршимдан туйқус чиқиб қолган аёлдан Чингиз акани сўрадим. У рус эди, рассомнинг қўшниси бўлса керак.

— Уни жуда машҳур рассом деб айтишади. Менимча, оддийгина, бировга оғирлиги тушмайдиган, борлиги ҳам билинмайдиган қария. Биласизми, у жудаям зерикади, ёлғиз ўзи турадида бечора. Лекин ниҳоятда кўп ишлайди, доим устахонасида ўтиради. Ёлғизлигини унутиш учун шундай қилса керак, — деди.

Чингиз Аҳмаров фақатгина ёлғизликни енгиб ўтиш учунгина расм чизмаслигини кейинчалик тушуниб етаман. Мен Аҳмаров билан шундан сўнг жуда кўп учрашаман, унинг дўстлари, шогирдлари суҳбатида бўламан, рассом ҳақидаги фикримни бойитиб, кенгайтираман. Аммо рус аёлнинг ҳозирги сўзлари санъаткор шахси ҳақидаги тушунчаларимнинг энг биринчиси, энг лўндаси ва энг

1



ҳаққонийси бўлиб қолади: «оддийгина, бировга оғирлиги тушмайдиган, ниҳоятда кўп ишлайдиган қария...»

Чарм эшик қаршисида туриб уни узоқ ва қаттиқ қоқаман. Ниҳоят у очилиб, қаршимда ёши ўтиб қолган бир киши намоён бўлади. Унинг кўзлари ич-ичига ботган, озғин суягига ёпишган этидаги бўртиб чиққан томирлари ўйнаб туради. Мўйловига оқ оралаган, аммо ҳамма чолларники сингари ўсиқ қошлари қоп-қора. Кўйлакчан.

Бу Чингиз Аҳмаров эди. Остонадан турибоқ салом бериб унга қўлимни чўзаман. Лекин мусаввир олдин мени уйга киришга таклиф қилади, эшик пойидан ўтганимдан сўнг қўлимни сиқиб сўрашади. «Остонада туриб кўришмайдилар» — деб қўяди у кулимсираб.

Чингиз Аҳмаров бир хонали уйда яшайди. У мени даҳлиз ичкарисига бошлайди. Даҳлиз анча катта, лекин ялтироқ буюм ва анжомлардан холи. Ярми шкаф билан тўсилиб, «меҳмонхона»га айлантирилган. Торгина «меҳмонхона» китоблар билан тўла, стол устида қават-қават қоғоз уюмлари. Уйнинг кўпдан бери йиғиштирилмаганлиги шундоққина сезилиб турарди. Шу ерда ўтириб анчагача чойхўрлик қиламиз.

Чингиз ака ниятимдан огоҳ бўлгач, устахонасига тушишни таклиф этади. У кишининг орқаларидан битта-битта қадам ташлаб биринчи қаватдаги устахонага тушамиз.

* * *

«УЙҚУМ ниҳоятда беҳаловат, туни билан чизишим керак, ҳар бир деталнинг ҳолатини, кўринишини ҳаёлимда ўйлаб чиқаман. Эрталаб устахонага тушаман... Мен кўп ишламайман, лекин узоқ тайёрланаман». Мусаввирнинг бўёқ ҳиди анқиб турган устахонасида ўтириб Аҳмаровнинг юқоридаги гапларини ҳаёлдан ўтказганча, унинг ўзига қайта-қайта разм соламан. Кўриниши қандайдир нуроний, аммо юзидан мадори кетиб, сиҳати ёмонлашиб қолганлиги яққол билиниб туради. Ўхтин-ўхтин қаттиқ йўтали тутади. Ожиз танасининг, қўлининг ҳар бир ҳаракати қандайдир ички мажбурий кучнинг турткиси, «қилишим керак» деган шуурий даъват натижасида бўлаётгандек туюлади.

Жуссаси кичкина, сийрак сочлари оқарган, одмигина кийинган санъаткорнинг ҳар бир ҳаракати чексиз жасоратдан дарак беришини пайқай бошлайман. Ана, чала қолган сурати қаршисига ўтиради, мўйқаламини қўлига олиб, унга тикилганча узоқ жим қолади. Кейин қалтироқ қўлини аста-секин сурат томон яқинлаштириб кела бошлайди, бўёқ суртиши керак бўлган нуқта қаршисида қилқаламини анча тутиб туради. Ҳеч чизолмайди — қўли титраб кетаверади... Толиққан қўлини асабий пастга туширади, бироз ўзини босиб олгач, яна ҳаммасини бошидан бошлайди. Шу зайлда соатлаб ўтиради...

Титроқ қўллар билан гўзал суратнинг нозик чизиқларини чизиш учун қанчалар сабр-матонат зарурлигини ҳисоблашга тушаман. Ҳисобдан адашиб кетаман, зотан меҳнат сон билан ўлчанмайди. Меҳнат — бу восита. Унинг ёрдамида инсон ниятига етади, мақсадига эришади. Чингиз Аҳмаров мол-дунё, шон-шуҳрат орттириш илинжисида қўлига мўйқалам тутмаган. Ўткинчи дунёнинг бу каби безаклари унинг учун аҳамиятсиз. Рассомнинг бугунги аҳволини кўрган ҳар қандай киши, мен билан бу ҳақда баҳслашишга жазм этолмайди. Ҳа, Аҳмаров воситани мақсадга айлантирди. Салкам саксон ёшга кириб у ҳали ҳам ўзини мақсадга эришган деб ҳисобламайди. Нима учун?

Мен яна кўп нарсаларни чалкаштира бошлайман: Аҳмаров учун кундан кун оғирлашиб бораётган меҳнатнинг ўзи заруратми ёки унинг натижасими? Нега у ҳам йил сайин камайиб бораётган ўз тенгқурлари қатори эртадан кечгача чойхонада ўтириб, қолган «тўрт кунлик» умрини роҳат-фароғатда ўтказмайди? Нима учун у тинмай, наҳордан оқшомгача ҳаловат билмай устахонасида ишлаши, ўзини ижоднинг қийноқли изтиробларига мубтало этиши керак? Ахир буларнинг барчасини қилмасликка ҳаққи борку: санъат олдида ҳам, жамият олдида ҳам у ўз вазифасини бажариб бўлган эмасми!..

Мақсад тан бермасликми ёки мукаммалликка интилишми? Йўқ, буларнинг иккаласи ҳам унинг учун тенг қийматга эга, зеро биринчиси унга ҳаёт олдидаги қарзларини узишга имкон бермаса, иккинчиси муқаддас санъат даргоҳини янада юксалтиришга мажбур қилади...

Остин-устун, юзига бўёқ суртилган катта-кичик қоғозлар дуч келган томонга қалаштириб ташланган устахонага ҳар доимгидек ҳайрона кўз югуртираман. «Сиз ҳечам ажабланманг, менга шуниси ёқади. «Хаос»да мен ўзимни қандайдир эркинроқ сезаман. Сизга пала-партиш туюлган буларнинг ҳаммаси мен учун саранжом-сариштадек» — дейди мусаввир кулимсираб. Жавоб беришга шошилмайман, барибир у эшитмайди — қулоғи оғирроқ, бунга анча бўлган. Гап сўраб Аҳмаровни уринтиришни, диққатини бўлишни истамайман, ҳамма саволларимга жавобни доимо унинг кўзларидан аҳтараман. Яхши эшитмаслиги унинг жамиятдан, кишилар орасидан йироқлашувига сабаб бўлмасмикин? Нега у якка ўзи яшайди? Умрининг олтмиш йилини санъатга бағишлади. Хўш, у нимага эришди? Олтмиш йиллик машаққат, ижод йўлидаги изтироблари эвазига нима олди? Қариган чоғидаги ёлғизликними?!

...Бу саволларни мен айтмоқдаман. Талаб ва сўроқларнинг бу тариқа қўйилишини мусаввирнинг ўзи асло истамаслигини унинг чарчоқ кўзларидан сезиб турибман. Зеро, Чингиз Аҳмаров ҳаётдан нимадир олиш, нимагадир эга бўлиш ниятида эмас, балки унга қўшиш

2

ва бойитиш учун дунёга келган. У ўз бахти ва боқийлигини ўзгалар бахтидан излади. Шу бахт йўлида ўзлигидан, ҳаётидан кечди ва санъат кишисига айланди. Зотан, бу дунёда нимагадир эришмоқ учун нимадандир кечмоқ керак эмасми?

Ҳаёт Аҳмаровнинг бошига жуда кўп кулфатлар солди. Бевақт ўлим дунёдаги энг қадрдон ва суюкли кишиси — турмуш ўртоғи Шамсирой Ҳасановани ундан тортиб олди. Оҳ, у қанчалар севарди бу аёлни. Унинг тасвири туширилган юзлаб расмлар чизган. Ҳатто 1945 йилда дунёга келган ўзининг ўлмас асари — «Ширин» сиймосида шу аёл қиёфасини тасвирлаган...

Бундан ҳам даҳшатлиси рассомнинг яккаю-ягона ўғли Икромжонни ажал исканжага олган паллада юз берди. Энди Аҳмаровга ҳаётнинг заррача қизиғи қолмаганди, унинг қисмати яккаликка дучор этилганди. Лекин у бутунлай бахтсиз бўлиб қолган эмас, чунки рассомнинг санъати бор.

Мусаввирнинг ҳозирги ҳолатини яйдоқ чўлдаги ягона саксовулга эмас, водийдаги мағрур чўққига ўхшатгим келади. Чўққи ўзининг қудрати ва моҳиятига кўра, у кўплардан юқори ва танҳо туради.

Чўққида у шуҳратни кўрмайди. Ҳатто шуҳрат уни қизиқтирмайди ҳам. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет театри биносига чизилган «Ҳамса» туркумидаги суратлари эвазига ўттиз беш ёшида СССР Давлат мукофотини олишга муваффақ бўлган Чингиз Аҳмаров ўткинчи шуҳратнинг ёлғончилигини билади. Мусаввирнинг фикрича, ўйинчига шуҳрат бир кунда келади ва уни гулларга кўмиб ташлайди, аммо вақтнинг бир маромда ҳаракати натижасида унинг на санъати, на орттирган шуҳрати қолади. Рассом эса йиллаб ўз устахонасига беркиниб олади, балки бутун умри давомида ягона асар яратиши, ҳаёти эса ҳору-зорликда ўтиши мумкин, аммо унинг санъати боқийдир. Шу ягона сурат унинг номини асрлар оша узоқ келажак томон элтади. Мақсад эса номини абадийлаштиришда эмас, санъат тарихига ўз улушини қўшишдадир.

* * *

АҲМАРОВ ҳақида Мақсуд Шайхзода шундай деган эди: «Чингиздаги соддалик ва болаларча оқкўнгиллик биринчи танишувимиздаёқ мени ром қилиб қўйган эди. Кейинчалик бир умрга дўстлашиб қолдик. У билан суҳбатлашсам олам-олам ҳузур қиламан». Чўлпон, Абдулла Қодирийлар билан бир замонада яшаб, уларнинг назарига тушган Чингиз Аҳмаровга нисбатан айтилган бу сўзларини қанчалар холисоналигига у билан бир бора суҳбатлашган киши ҳам юз фоиз қўшилади. Кексалик саҳийлигидан далолат берувчи ҳар бир гапи сизга ҳузур бағишлайди. Файласуфларга хос сиймоси сизни бир зумдаёқ ўзига сеҳрлаб олади. У билан ажралишни истамай қоласиз.

«Чингиз акани мен отадек ҳурмат қиламан. Унда бошқа устозларимдан фарқли ўлароқ такаббурлик сезилмайди. Ҳар қандай ўгитини ҳам, танқидини ҳам самимий туриб айтади», — дейди мусаввирнинг шогирди Темур Саъдуллаев.

Соддалик, самимийлик ва буюклик. Бу уч фазилатни ўзида мужассамлаштирган шахс ҳузурида ўтирарканман Толстойнинг «буюклик соддаликдадир» деган ибораси ёдимга тушади.

Аҳмаровнинг минглаб шогирдларидан бири рассом Содиқ Раҳмонов устози ҳақида шундай дейди: «Чингиз ака ҳаётда менга жуда кўп яхшиликлар қилган. Уларни санаб тугатиб бўлмайди. Шундан бирини сизга айтиб бераман: Бунга анча бўлди. Ибн Синонинг 1000 йиллик таваллуди арафасида Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида ишлаётгандим. Чингиз аканинг ўзлари эса худди шу вақтда Бухоро шаҳрида буюк мутафаккирга атаб катта бир композиция яратаётган эканлар деб эшитгандим. Вақтим ниҳоятда тиғиз, ишни топшириш муддати деярли тугаганди. Бунинг устига, бўёқ масаласи жуда чатоқ. Кўпгина ранглар тугаган, уларни ҳеч қаердан топиб бўлмасди. Ишни келишилган муддатга битира олмаслигимга кўзим етиб турганди, бирдан қаердандир уч яшик бўёқ кўтариб, икки шогирди билан Чингиз ака устахонага кириб келса бўладими. Хурсандлигимдан кўзларимдан ўт чақнаб кетди, ахир Чингиз ака ўз ишини қолдириб, «шу боладан ҳам хабар олай, бир ўзи нима қилдийкин» деб менга ёрдамга келган эканларда... Уч кун қарашиб қайтиб кетдилар. Кейин почта орқали менинг номимга анчагина пул ҳам юборибдилар... Ўзингиз айтинг, ахир бунақа яхшиликни ҳар қандай отаям, иниям қилавермайдику?!»

Ўзимдан қўшимча қилиб шуни айтаманки, Содиқ Раҳмонов Чингиз акага ўғилдек бўлиб қолган. Унинг фарзандлари Чингиз акани «бобожон» деб чақиришади. «Содиқ, — дейди Чингиз ака уччовлон уникида чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда, — Москвадан қизчангга ажойиб кўйлакча олиб келдим. Лекин буни унга ўзим бераман, қанақа хурсанд бўлишини бир кўрай».

«Қадрли Чингиз Аҳмаров, — деб ёзади бекободлик қиз Комила Тожибоева, — юборган совғаларингизни олдим. Бунинг учун сизга мингдан-минг раҳмат. Яхшилигингизни бир умр унутмайман, сизга эса ўзим чизган расмлардан энг яхшиларини жўнатаяпман».

«Мен унга рассомчилик тўғрисида бор йўғи иккита китоб юборгандим. Аммо бу қизча ғоят иқтидорли, агар ўқиса, яхши рассом бўлиши мумкин», — дейди Чингиз ака.

Саҳийлик кишиларга ишонч ва муҳаббатдан пайдо бўлади. Саҳий киши ўз илтифоти билан бировга қарз ёки ёрдам бермайди, балки унга бўлган ишончининг қанчалар қувватга эга эканлигини ошкор этади. Чингиз Аҳмаров барчага саҳийлик кўрсатишни хоҳлайди. Ҳамманинг кўнглини олишни, қўлидан келганча яхшилик қилишни истайди. Демакки, у инсонга ишонади.

«Биласизми, мен циркни жуда яхши кўраман, унда тез-тез бўлиб тураман. Истасангиз, эртага бирга томошага борамиз» — дейди мусаввир ўзининг гапидан ўзи уялиб куларкан. Унинг сўзлари мени ниҳоятда ўйлантириб қўяди. Нега у циркни яхши кўради. Циркдаги болалар шодлиги, қувончи Чингиз Аҳмаровга завқ бағишлайдими? Армон тиғи муттасил яралаб турадиган қалб жароҳатига уларнинг кулгусидан малҳам излайдими? Ўзининг ёлғизлигини у ерда бироз унутадими? Қатъий бир фикрга келиш ниятида кекса мусаввирга муғомбирона савол бераман:

— Кечирасиз, охирги маротаба қўғирчоқ театрига қачон борган эдингиз?

У менга ўйчан тикилади. Қўлининг қалтираши кучайганидан ҳаяжонини босолмаётганлигини билиб тураман. Кўзойнак таққан кўзларида нимадир йилт этгандек бўлади. Шундагина мен саволим билан рассомнинг эски ярасини қаттиқ тирнаганимни тушуниб етаман. Кейин у ўрнидан туриб кетади, устахона деворларига осилган суратларига тикилганча шундай дейди:

«Нимаики орттирган бўлсам, санъат йўлида орттирдим. Менинг оилам... ҳам, фарзандларим... ҳам асарларим, чизган суратларим... Улар билан мен доимо бахтлиман...»

3

* * *

САНЪАТ ва инсон ажралмасдир. Улар бир бирини тўлдиради, бирисиз иккинчиси мавжуд бўлолмайди. Шунинг учун инсон ўз санъатининг қули бўлиши керакми ёки соҳибими, деган савол бу ўринда ортиқча. Санъат дунёсига кириб келаётган инсондан унинг ҳаёти талаб қилинади, эвазига у истаганини олади. Тўғриси бунга ҳамма ҳам мушарраф бўлолмайди. Жуда кўплар ўзини «буюкман» деб атаб бу оламга синголмай, фақат унинг атрофида айланади, холос.

Чингиз Аҳмаровнинг эсдаликларини ўқиб, саволларимга қисман жавоб топгандек бўламан: «Халқнинг ишончини оқлай олдимми, руҳимда тўхтовсиз, изнсиз оқиб ётган чексиз-чегарасиз ҳаяжонларимни, орзу-мақсадларимни, эҳтиросларимни санъатга айлантириб — ранг-тасвирга кўчириб одамлар қалбига сингдира олдимми, — деган сўроқ қаршисида шахсий етишмовчилик, оғирликларимни эсимдан чиқараман, янада кўпроқ куч билан ишлаш халқдан қарзларимни узишим кераклигини ўйлаб устахонага шошаман. Ёзувчилар энг улуғ асарларим келгусида яратилади деганларидек, янги катта асарлар яратиш иштиёқи мени бир сония ҳам тарк этмайди... Ишлаш, танда жон бор экан, расмлар чизишим керак...»

Йўқ, барибир чидай олмайман. «Агар сизни расм чизишдан маҳрум этсалар нима қилардингиз?» — деган саволни унга беришга мажбур бўламан. У менинг сўзларимни эшитиб сесканиб кетади, узоқ ўйга чўмади. Оғир сукунатдан сўнг қалтироқ овозда сўз бошлайди: «Агар кўзим кўрмай қолса, мен пайпаслаб расм чизаман. Агар мени қўлларим қотиб қолса, тишимда қалам тутиб расм чизаман... Агар бутун танам ҳаракатдан маҳрум бўлиб қолса, мен хаёлимда суратлар чизаман...» Бу сўзлар қаршисида фақат лол қоласан киши.

* * *

ТАНИҚЛИ журналист Геннадий Бочаров шундай деб ёзади: «Инсон ўз қобилиятининг нимага қодир эканлигини синаб кўриши учун ҳаётдан доимо қийинчилик ахтаради. Имкониятларини билиб олиш ниятида ташқи дунёдан қаршилик кутади. У туғилиши биланоқ ҳаётнинг маъносини ердаги мавжудиятнинг туб моҳиятини, ўз «мен»ини англаб етишдек буюк ҳуқуққа эга бўлади. Бунга эса у фақат курашдагина имкон топади».


Чингиз Аҳмаров ўзининг қийинчилик ва мағлубиятлар олдида ҳеч қачон тан бермаслиги, вужудидаги фақат олға интилишга бўлган истагининг қудрати билан Эрнест Хемингуэйнинг машҳур қиссасидаги енгилмас чолни эслатса, маънавий гўзаллиги ва эътиқодининг буюклиги билан Гётенинг Фаустини ёдга солади. Мен 77 ёшида ҳам яратувчанлик қобилиятидан маҳрум бўлмаган бу улуғ зот шахсида чинакам Ижодкорнинг рамзини кўраман...

Улуғ рассомнинг қўлларини сиқиб хайрлашарканман, у билан ажралишни асло истамасдим. У яна ёлғиз ўзи қолади. Бироқ у зерикмайди. Ўзи яратган ва қадрдон образлари дунёси унинг бутун вужуди бирла тафаккурини қамраб олади, тинмай гўзаллик яратишга чорлайди.

Бобур ТЎХТАБОЕВ.

4

Бепоён менинг Ватаним



МОСКВА. Бир йил аввал мамлакатимизнинг йирик хореография билим юртлари битирувчилари таниқли балетмейстер Вакил Усмоновнинг ижодий режаларидан руҳланиб, рус психологик театри анъаналарини давом эттирувчи янги коллективга бирлашишди. Унинг мақсади классик романтик ва авангард йўналишларини уйғунлаштириш.

Биринчи спектаклнинг ўзиёқ коллективга катта муваффақият келтирди, бу йил ижодкорлар АҚШ бўйлаб гастролларга боришни мўлжаллашаяпти.


СУРАТДА: спектакль вақти.

* * *

БЕЛОРУССИЯ ССР. Ҳаваскорлик қўшиқлари слётига мамлакатимизнинг турли жумҳуриятларидан 1,5 мингга яқин киши йиғилди. Березина дарёси узра уч кун гитара садолари тинмади. Слёт қатнашчилари бир-бирлари билан биринчи бор учрашиб туришларига қарамай, тезда қадрдон бўлиб кетишди, чунки улар бир тилда — қўшиқ тилида сўзлашишарди. Ҳамфикрларнинг ўзига хос бу байрамида юздан ортиқ янги бардлар — ўз шеърини ўзи ижро қилувчилар қўшиқлари янгради.

СУРАТДА: бу ёшларни мусиқа, шеъриятга бўлган севги бирлаштирди.

А. МОРКОВКИН ва Ю. ПАВЛОВ сурати (ТАСС).



ОҚЛАБ ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Р. Абдуллаева иши юзасидан суд мажлиси якунланди. 15 январь куни СССР Олий суди уни оқлаб ҳукм чиқарди. Р. Абдуллаева суд мажлиси залида ҳибсдан озод этилди, унинг мол-мулки қайтариб бериладиган бўлди.

Маълумки, Р. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг собиқ биринчи секретари М. Худойбергановдан 5 минг сўм миқдорида пора олиш юзасидан бир эпизод бўйича айбланган эди. Дастлабки тергов чоғида у пора олганлигини тан олди. Аммо суд мажлиси бошланиши биланоқ ўзига қўйилган айбларни қатъиян рад этди. М. Худойберганов ҳам ўз кўрсатмаларини ўзгартирди. Уларнинг иккови буни қуйидагича изоҳлашди: биз ўз қариндош-уруғларимизнинг қисматидан хавотирланган эдик, чунки улар ҳамиша қамалиш хавфи остида эдилар, биз тергов томонидан, жумладан, терговчилардан Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов томонидан маънавий тазйиққа дучор бўлиб, ноҳақ айблаш йўлига ўтишга мажбур бўлдик.

Давлат айблови вакили, СССР Бош прокурорининг катта ёрдамчиси С. Голев тергов материалларини диққат-эътибор билан ўрганиб ва барча далилларни, оз сонли гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиб, айбловдан воз кечди ҳамда бирдан-бир хулосага, оқлаш керак, деган фикрга келди.

Суд мажлиси давомида Р. Абдуллаева М. Худойбергановдан пора олганлиги факти тасдиқланмади. СССР Олий Суди қуйидаги қарорга келди: жиноят ҳодисаси бўлмагани учун Р. Абдуллаева оқлансин. Бу узил-кесил ҳукм бўлиб, шикоят қабул қилинмайди.

Ниҳоят бу ишда сўнгги нуқта қўйилганди. Адолат тантана қилди, асоссиз айбланган киши оқланди ва озод қилинди.

Ю. СОЛТИС,

Москва.

Карнай-сурнай навоси-ю, унга жўр бўлаётган ноғора ва чилдирманинг шўх овози узоқ-узоқлардан эшитилса бормй, дилда ажиб бир ички туйғу, ҳузурбахш ҳиссиёт, кўтаринки кайфият, лаззатланиш ҳиси уради. Хонанданинг «Тўйлар муборак» қўшиғи юракни қитиқлаб, хаёлларни оғушига чорлайди.

Ўзбек тўйларининг ўзига хос томони шундаки, у узоқ-яқин қариндошлар, маҳалла-аҳли, қўни-қўшнилар, ошна-оғайниларсиз ўтмайди. Тўйхонадаги катта-ю-кичикнинг юз-кўзидан, ҳар нигоҳидан, имо-ишорасидан хурсандчилик, қувонч, ажиб бир хазонини кўриш мумкин. Нозу-неъматларга тўла дастурхонлар кўзни қамаштиради. Сертакаллуф, ширинсухан мезбонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ўта камтарона, дилдан, самимийлиги билан дилларни сеҳрлайди.

Сўнгги йилларда тўйларимизни замонавий, янгича, ихчам, камхаражат, мазмунли ўтказиш лозимлиги хусусида кўп таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. Қишлоқ Советлари ва маҳалла қўмиталари қошида тузилган тўй комиссиялари бир қатор ижобий ишларни

— Тўйдан кейинги бўладиган турли маросимлар, ҳамон давом этаётир. Келин салом, куёв чақириқ, ҳайитда йўқлов, қиз фарзандли бўлса, қовурдоқ (сарполар билан албатта), бешик тўйи. Сўнгра суннат тўйи ҳам уланиб кетаётир.

Ҳақиқатан ҳам ана шундай маросим ва катта-кичик тўйлар кўпчилик оила бошига иқтисодий ташвиш туғдирмоқда. Кўп фарзандли, фақат маошга қарам ота-оналар ноилож аҳволда қолиб, руҳан қийналмоқдалар. Бу эса балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг ўз вақтида турмуш қуришларига салбий таъсир кўрсатаётир. Оқибатда қишлоқларда ҳам турмуш қурмаган 25-30 ёшли йигит-қизлар сони кўпайиб борапти.

Сурхондарё вилояти Термиз ноҳияси Ленин номли колхоз аъзоси Т. Хўжаниёзовнинг ушбу сўзлари ҳам бир ҳақиқат:

— Куёв томон ўртача 4-5 минг сўм қалин пули, 1 бош сигир, 2 бош қўй, қўша-қўша сарполар беришга мажбур бўлаётир. Санъаткорларга камида 600-700 сўм тўлан-

ҚУВОНЧ БИР УМР АРИМАСИН

амалга оширяптилар. Никоҳ кечаларини ўтказиш вақти тартибга тушиб, бирмунча ихчамлашди, спиртли ичимликлар қўйиш камаймоқда.

Аммо тўй билан боғлиқ ҳал қилиниши лозим бўлган жуда кўп муаммолар бор. Чунончи, тўйдан олдинги ва кейинги бўладиган ортиқча маросимлар давом этаётир. Фотиҳа оши, маълум оши, қиз базми, чаллар, куёв чақириқ, ҳайитда келин кўриш, келин салом ва ҳоказолар. Бундан ташқари келин фарзандли бўлса, қовурдоқ, бешик тўйи, кейинроқ суннат тўйлари ва бошқалар, улар ўз-ўзидан кишини ташвишлантиради.

Ўзига тўқ, бадавлат оилалар тўй қилиб, ном чиқаришга ҳаракат қилишади. Келин ва куёв сарпосининг ўзи бир неча минг сўмни ташкил қилади. Келин салом, чаллар, куёв чақириқ маросимларида ҳам яна қўша-қўша сарполар, зеб-зийнат буюмлар ким ўзар тарзида кўпчилик ўртасида тақдим қилинаётир.

Насиба исмли қиз катта орзу-ҳавас, яхши ният билан ўз қишлоғи маҳаллага келин бўлиб тушди. Афсуски, қайнонанинг қовоғидан ҳамиша қор ёғар, пичинг, кесатиқ сўзлар келинчакнинг дилини ўртарди. Маълум бўлишича, чаллар куни қайнона ва унинг яқин қариндошларига қуда томондан арзигулик сарполар қўйилмабди. Қолаверса, келин гарнитурсиз келибди. Шу баҳона қайнона тирноқ ичидан кир қидириб, арзимас уй ишларидан ҳам камчилик топиб, уриш-жанжал чиқараверди. Куёв бўлса ўзича бир мустақил фикр билдиролмас, онасининг ноўрин хатти-ҳаракатларига қулоқ туролмасди. Оқибатда келин уйига кетиб қолди. Бир неча ой ўтгач, келин фарзандли бўлди. На қайнона, на куёв хабар олди. Яхши ниятлар билан қурилган оила қўрғони арзимас сабаб билан вайрон бўлди.

Сўнгги пайтларда «қиз базми», «қиз ўтириши», «қиз оши» деб номланган кечалар катта базмга айланиб бормоқда 150-200 кишилик жой ҳозирланиб, дастурхон безаб, бир неча хил овқатлар тайёрланаётир. Турли хил ноз-неъматлар, спиртли ичимликлар ҳам қўйиляпти. Унда фақат хотин-қизларгина эмас, балки кўплаб йигитлар иштирок қилаётир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай ортиқча базми-жамшид қиз узатаётган хонадонга қимматга тушаётир. Шундай экан, «қиз ўтириши» деб аталувчи ортиқча тўйга барҳам бериб, никоҳ кечаси ўтказилса етарли эмасми? Наманган вилояти Норин ноҳиясидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Х. Йўлдошев ўз хатида шундай ёзади:

моқда, 4-5 қути ароқ қўйиляпти.

Жумҳуриятимизда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, янгича тўйлар ўтказишнинг ягона тавсиясини ишлаб чиқса бўлмайдими? Тўйлар халқимизнинг кундалик ҳаёти, турмуши, яшаш тарзи билан боғлиқ миллий маросим бўлгани билан бирга, ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга молик урф-одатдир. Шундай экан, тўйлар партия, совет, комсомол ташкилотлари, маҳалла қўмиталари томонидан назорат қилиниши лозим. Бу масалада газета ва журналлар, радио ва телевидение ташаббускор бўлишларини истардим.

Кейинги вақтларда савдо шохобчаларидан кундалик зарур нарсаларни топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Айниқса, бахмал, бекасам, чойшаб, зардевор, дераза парда, шкаф, сервант, кравот, сифатли кийим-кечакларни қидириб сарсон-саргардон бўлиб юрганларнинг сон-саноғи йўқ. Шундай экан, шаҳар ва ноҳия марказларида тўй ўтказувчилар учун махсус савдо дўконлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Икки ёшнинг ЗАГСдан ўтиши усти ялтироқ, ичи қалтироқ маросим бўлиб қолаётир. 7-8 та енгил машина сигнал бериб, кўчани тўлдирганча, ким ўзар ўйнайди. Гаштивани суратга тушишлар ва ҳоказо.

Аммо уларга оила, турмуш икир-чикирлари, эр-хотинлик бурчи, оила олдидаги масъулият, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, вафо, садоқат, покизалик, тўғрилик, ҳалоллик ҳақида ҳеч ким насиҳат сўзларини айтмаётир-ку? Никоҳ гувоҳномасини топширувчи баъзи масъул ўртоқлар икки оғиз табрик сўзларини ҳам эплаб айта олмайди.

Бизнингча, қишлоқ Советлари қошида никоҳ комиссиялари ташкил қилиниб, уларга табаррук ота-оналар, ўқитувчилар, шифокорлар жалб этилса, айни муддао бўларди. Йигит ва қиз, албатта, ана шу комиссия суҳбатидан ўтса, нур устига нур бўлур эди.

Ниҳоятда қадимий, ўзига хос миллий, ўта файзли ва ибратли ўзбек тўйларининг ҳавас қилса арзигудек томонлари сероб. Тўйларимизни янада чиройли, сермазмун, ихчам, камҳаражат, спиртли ичимликларсиз, юксак маданиятли ўтказиш давр талабидир. Шунда тўйда бошланган қувонч оилада мангу қолади.

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг доценти.

ТАЛАБАЛАРГА ҚЎЛЛАНМА

Кейинги йилларда партия тарихини олий ўқув юртларида ўқитиш муаммо бўлиб қолмоқда. Маълумки, 1989-90 ўқув йилларида КПСС тарихи курси «Сиёсий тарих» курсига айлантирилиб, партия тарихининг ўқитилиши янада мураккаб тусга кирди. Шу боисдан жумҳуриятимиз ижтимоий фанни ўқитиш методикасини такомиллаштириш борасида тажрибали олимларимиз фаоллик кўрсатишга уринмоқдалар.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек тилида олий ўқув юртлари талабалари учун КПСС тарихи бўйича лекциялар курсини чоп қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур ўқув қўлланмасининг яратилишида «Сиёсий тарих»нинг сўнгги программавий кўрсатма ва талаблари ҳисобга олинди, албатта. КПСС XXVII съезди қарорлари, Бутуниттифоқ XIX партия Конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари ҳужжатлари қўлланмада кенг ўрин олди. Қўлланманинг яратилишида жумҳуриятда таниқли тарихчи олимларимиз — А. Отажонов, Ш. Зиёмов, С. Солиев, С. Хан ва бошқаларнинг бой тажрибалари иш берди.

Қўлланмада биринчи марта КПСС фаолиятининг ҳозирги шароитда маҳаллий материаллар асосида ёритилиши қувончли ҳолдир. Жумладан, жумҳуриятимиз партия ташкилотининг иқтисодиёт ва сиёсий система бўйича қилаётган ислоҳотлари ва миллий сиёсат бўйича амалга оширилаётган тадбирлари атрофлича, қизиқарли мисоллар билан берилган. Мазкур қўлланманинг яна қимматли томони шундаки, ленинчи партиямизнинг социалистик инқилоб ва социализм қурилиши ғалабаларини муфассал баён қилиш билан бирга Сталин ва унинг сафдошлари йўл қўйган катта хатолари, Хрущёв ва Брежнев давридаги камчиликлар исбот-далилли материаллар асосида баён қилинган. Натижада, янги совет жамияти қурилишининг инқирозли томонлари яққол кўрсатилган. Бу эса талабаларимизга партия тарихи курси бўйича лекция ва семинарлар олиб боришда ҳақиқатни рўй-рост айтишга асос бўлади. Қўлланмани яратишда муаллифлар коллективи сўнгги йилларда марказий ва маҳаллий матбуотда эълон қилинган илмий-асосли материаллардан кенг фойдаланган.

Мен мазкур қўлланманинг таҳрирчиси сифатида баъзи фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман: биринчидан, ушбу ўқув қўлланма илмий тил нуқтаи назаридан эмас, балки оммабоп тилда ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.


Иккинчидан, қўлланманинг 1- ва 5-мавзуларида маҳаллий материал етарли даражада ёритилмаган. Ваҳоланки, айнан шу мавзулар бўйича жумҳуриятимиз партия ташкилоти фаолиятини кенг кўрсатиш мумкин эди.

Учинчидан, партия тарихини ўқитишда ижодий ташкилотлар, жумладан, ёзувчиларимиз асарлари кенгроқ жалб қилинса, мақсадга эришилган бўлар эди.

Тўртинчидан, ўтган йилнинг декабрь ойида ТошДУ ҳузуридаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш институти сиёсий тарих кафедраси ўз тингловчилари билан янги программа — «Сиёсий тарих» программасини муҳокама қилиб, жумҳуриятимиз партия тарихи учун зарур бўлган муаммоларни ўртага ташлади. Демак, «Сиёсий тарих» курси бўйича бугунги қайта қуриш талаблари ҳисобга олинган ҳолда янги программа муҳокама қилинди.

Умуман мазкур ўқув қўлланма илмий-назарий жиҳатдан ҳозирги кунда таълим олаётган талабаларимиз учун яхши дастуриламал бўлиб, сиёсий тарихни ўрганувчиларга ёрдам беради.

Қ. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори.



Жумҳуриятимиз меҳнат аҳли таниқли ёзувчи Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигини кенг нишонлади. Бунга атаб ўтказилган тадбирда санъат ва маданият арбоблари адиб ҳақидаги ўз хотираларини сўзлаб беришди. Шунингдек, санъат усталари ва ижодкор ёшлар ижросида катта концерт намойиш қилинди.

СУРАТДА: «Ўтган кунлар» спектаклидан Кумуш монологини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова ўқимоқда.

Суратчи: А. РИСҚИЕВ

(ЎзТАГ сурат лавҳаси).

Ахлоқ мавзуида

РАЗОЛАТ

...Ўша куни Насибали мактабга келмади. Ҳар куни дарсга хомуш келиб-кетадиган бу қизнинг йўқлиги бир зумда билинди. Чунки синфдошлари унинг ҳаётига шундоқ ҳам ҳадик билан қарашар эди. Гоҳида кўзи кўкариб, гоҳида юзи тимдаланиб, оҳори тўкилган кўйлакда юрган Насибалининг умри азоб ва қийноқда ўтаётганлиги сир эмасди. Ўгай она қўлида қолган ўсмирни ҳеч ким ўз ҳимоясига ололмасди. Қолаверса, ўз муаллимлари бўлмиш Насибалининг отаси Садибек Муродовга қарши боришга битирувчи синф ўқувчилари ўзларида матонат тополмадилар. Ҳатто мактаб комсомол қўмитаси ҳам, маҳалла-кўй ҳам!

...Қизнинг алифдек қомати бир зумда кулга айланди. Ҳаёт нури сўнган кўзлардан сўнгги томчи ёш сизиб чиқди. Изтиробли юзи оқариб, мушт бўлиб тугилган қўллар муаллақ қолганди. «Она», дейишга жуфтланган лаблардан қон қочиб, у ётган хонани сукунат қоплади. Беш кун шифтга кўз тикиб, врачларнинг муолажаси билангина сўнгги илинжда яшаётган муштипар қиз ҳаётдан кўз юмди.

Она меҳрига тўймай, сағирлик юкини эрта бўйнига олган Насибали бир оғиз ширин сўз ва меҳр-муҳаббатга ташна кетди.

«...Мен ўлмоқчи эмасман, паймонам тўлди, нетай? Бечора отамни, хизматдаги акажонимни, ўгай она қўлида қолаётган ранги заъфарон укам Бахтиёржонни ва синглим-сирдошим Ўлпанойни жуда яхши кўрардим. Минг афсус, тақдир экан, ҳаммасига ўзим айбдорман...»

(Насибалининг магнит лентасига туширилган сўзидан).

Мағрур қиз асло бўйин эгмади. Ҳатто у ўлими олдидан ҳам ўгай онасининг номардлигини юзига солмади. Чунки у фарзанд доғида бўзлаб қолаётган ношуд отасини ўйлаб, қолаверса норасида жигарбандлари ҳурмати ҳамма айбни ўзига олди. Лекин қиз буни қанчалик рад этмасин, унинг ўз жонига қасд этишга мажбур этган ўгай онаси Қаршигул Муродова эканлиги сир эмас эди. Шунинг учун ҳам ҳали қизнинг тупроғи совумасдан, судга гувоҳликка чақирилган отаси ҳам, ўлим тафсилотларини ўз кўзлари билан кўриб, опаларини хатарли йўлдан қайтаришга ожизлик қилган Бахтиёр ва Ўлпаной ҳам, қолаверса, қўни-қўшнилар, собиқ синфдошлар ҳам Насибалининг ўлимига Қ. Муродова сабабчи деган фикрни билдиришди.

Бахмал ноҳиясидаги Ж. Букунбоев номли 21-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Н. Муродова нега ўз жонига ўзи қасд қилди? Тергов материалларида масаланинг худди мана шу қирраларини ечишга эътибор берилган. Гувоҳлар фикри ва марҳуманинг сўнгги сўзлари асосида ўша кун тафсилотлари тикланди.

Маълум бўлишича, «Бахмал» совхозининг Музбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Садибек Муродов 1978 йилда умр йўлдошини ерга қўйди. 4 нафар фарзанди билан қийналиб қолгач, «Сангзор» совхозининг Чектамға қишлоғида яшовчи 1958 йилда туғилган Қаршигулга уйланади. Фарзандларимга бош бўлиб, уларга оналик қилади, деган ният билан уйига олиб келинган аёл кўп ўтмай, Садибекнинг бошида ёнғоқ чақадиган, унинг фарзандларини сиқувга олиб, кун бермайдиган қилиқ чиқаради. Айниқса, рўзғор ишларини ажабтовур эплаштириб юрган Насибалининг юриш-туриши унга ёқмайди. Қизни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деб турткилай бошлайди. Йиллар ўтиб, ўртада фарзандлар дунёга келади. Илгарилари ими-жимида қитмирлик қилиб юрган Қаршигул бора-бора хонадоннинг якка ҳокимига айланиб қолади.

Шу йилнинг 19 майидан 20 майига ўтар кечаси ота уйда йўқ эди. Бундан фойдаланган ўгай она яна Насибалини қийнов-қистовга солади. Кун бўйи рўзғор ишлари билан толиққан бечора қизни кечки овқат ейишга ҳам қўймасди, ҳар нарсаларни баҳона қилиб, гап билан ўйиб-ўйиб оларди. Насибали эса миқ этмасдан унинг фармойишини бажараверарди.

Кеч соат 23 лар атрофида Насибали идиш-товоқларни ювиб, ўгай онаси ва унинг фарзандларига жой солиб бергач, ўзлари турадиган (у укалари билан алоҳида хонада турарди) хонага ўтаётганда, ўгай она уни қўш қўллаб уриб юборади. Даб-дурустдан тушган зарбадан эсанкираб қолган Насибалини Қаршигул: «нега бош томонимдан ўтасан», деб яна ура кетади. Шундоқ ҳам кундалик юмушлардан хориган Насибали ўгай она зарбасига дош беролмай йиқилиб тушади.

«...Шу куни барвақтроқ ётган эдим, шовқиндан уйғониб кетдим, — дейди Насибалининг синглиси Ўлпаной. — Ташқарига чиқсам, опачам олов билан олишиб, у ёқдан бу ёққа югираётганди. Бахтиёр акам билан Қаршигул эса уни ўчиришга уринаётган экан. Оловни ўчиришгач, акачам қариндошларимизникига югуриб кетди ва улар келгач, опачамни касалхонага олиб кетди».

«...Қаршигул опачамни тепиб-тепиб ташқарига чиқариб юборди ва эшикни ип билан ичкаридан боғлаб ташлади. Биз уйда, опачам эса ташқарида қолди. Мен ўзимиз ётадиган хонага ўтиб Насибалини ойнадан кир деб имладим. У эса ҳозир бораман деди ва уйга кирмади. Мен ўгай она қаҳридан қўрқиб ухлаб қолибман».

(Ўлпанойнинг терговдаги маълумотлари).

«...1987 йилнинг август ойлари эди. Ишдан уйга қайтаётсам, олдимдан Насибали чиқиб қолди. У яланг оёқ, туриши бир ҳолда эди. Мени кўриб юзини яширди ва ўзини тезак тераётган киши қилиб кўрсатди. Каппа-катта қиз боланинг яланг оёқ юриши менга қизиқ туюлди ва унинг ёнига бориб юзини ўзимга қаратдим. Қарасам, унинг ўнг кўзи кўкариб, шишиб кетган экан. Мен ундан, кўзингга нима қилди, деб сўрадим. У эса йиқилиб тушдим, деб айтди. Мен унинг аҳволини кўриб йиғлаб юбордим. Шунда у ҳам йиғлади ва уйига бормаслигини айтди. Мен уни ўгай онаси урганлигини сезиб уйимга олиб кетдим...»

(21-ўрта мактаб фарроши К. Туринбоева кўрсатмасидан).

„..Мен ўша куни қилган ишимдан жуда қаттиқ пушаймондаман. Ҳақиқатан ҳам мен, «бош томонимдан ҳатлаб ўтдинг, кўзинг кўр бўлганми, ўлигингни кўрай», деб қарғаб, унинг елкасига 3-4 марта урдим... Мен Насибалини илгари ҳам уришганман, уй-рўзғор ишларини тушунсин, қўлидан иш келадиган бўлсин, деб тўғри келган пайтда урганман ҳам... Мен қизим Насибалининг ўлимида ўзимни айбдор деб биламан ва қарамоғимда ёш болаларим борлигини, содир қилган жиноятимдан қаттиқ пушаймон эканлигимни эътиборга олиб, енгиллик беришларингизни сўрайман.

(Қ. Муродованинг терговдаги кўрсатмасидан).

Суд ҳукм чиқарди. Унинг оналиги ва қарамоғидаги ёш гўдаги борлиги инобатга олинди. Лекин Насибали-чи? У ҳам кимнингдир суюкли фарзанди, ўз жигаргўшаларининг дилбанди эди-ку? Нега бу ҳақда Қаршигул илгарироқ ўйлаб кўрмади? Чунки бу қадар фикр юритишга қодир эмасди. Негаки, ундаги ўгайлик ҳиссиёти инсонийлик ҳиссидан устун келди. Шунинг учун ҳам у назаримизда тубан ва жирканч ишга қўл урган.

Ш. МАРДОНОВ,
Бахмал ноҳия прокуратурасининг терговчиси.
У. ОЧИЛОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

18 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

ЎзТВ I

11.30 Умумий биология. Биосфера ва инсон. 12.00 «Фирма сири». Телефильм. 12.30 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Эстетика асослари. Тасвирий санъат ва меъморчилик. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Шоирлар — болаларга. Турсунбой Адашбоев. 18.45 «Хонадон ва унинг соҳиби». «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари» туркумидан. Сирдарё вилоятининг Охунбобоев номли совхозида яшовчи Алиевлар оиласи ҳақида ҳикоя. 19.15 «Комсомол прожектори». 19.30 «Ахборот», (рус тилида). 19.50 «Водийларни ёяв кезганда...». Ҳамид Олимжон. Адабий композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қориёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармониясининг уйғур ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Амалий давра суҳбати. 22.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила». 23.50 Янгиликлар. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. Премьера. 11.15 Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ халқлари миллий санъати байрами. Хабаровскдан кўрсатилади. 11.45 «Гришканинг китобчалари». Мультфильм. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.

* * *


16.00 «Савраска». Болалар учун телевизион бадиий фильм, (А. Довженко номли киностудия). Премьера. 17.05 «Интеграция: ташаббускорлик, тадбиркорлик, даромад». 17.35 «Қойил, Мария!». БССРда хизмат кўрсатган артист М. Гулигина ижоди ҳақида. Минскдан кўрсатилади. 18.50 «Содда аждаҳо». Мультфильм. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 Ж. Верди. «Тақдир кучи» операсига увертюра. 20.25 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера. 21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Менинг Чайковским». И. Смоктуновский ҳикоя қилади.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «1931 йил ноктюрни». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45 Табиатшунослик. 5-синф. Табиатда сув. 9.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.25 «Вулқонлар мамлакатига...». Ҳужжатли фильм. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Қушларнинг ташвишлари. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Киноальманах: «Чавандозлар». «Роман Шмаковнинг осуда йиллари». «Назариётчи». 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм («Лентелефильм»). 16.05 «Тарихдан имтиҳон». Ҳужжатли фильм премьераси («Таллиннфильм»).

* * *

17.30 «Дил куйини куйлаймиз». Краснодардан кўрсатилади. 17.50 «Простоквашинода қиш». Мультфильм. 18.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Сахалин кундалиги». 1-қисм. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сирли Гиппопотам». 5-қисм. 20.45 «Россия тарихи ҳақида». РСФСР Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бутунроссия маданият жамғармаси томонидан ташкил этилган адабий-бадиий кечалар туркумидан. 22.00 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Менинг ҳаётим». 2-серия.



ЗОИР АКАНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Ушбу суратдаги манзарага сиз ҳам дуч келган бўлишингиз табиий. Ушанда қалбингиздан нималар кечди, билмайман. Балким, шунчаки жилмайиб қўйгандирсиз, балким унинг ўрнида бир зум бўлишни истагандирсиз!

Агар эътибор берсангиз, кўп ҳолларда бизни тасодифлар асрайди. Машина ортига осилиб кетаётган бу «қаҳрамон»ларни ҳам тасодиф асраб тургандир. Уларнинг бошқа ташвиши, эрмаги йўқми!

— Ҳар куни 4-«Максим Горький» метро станцияси ҳамда «Высоковольтний» массиви маршрути бўйлаб юрак ҳовучлаб қатнаймиз, — дейди 2519 автопарк ҳайдовчиси Зоир Пиримқулов. — Йўллар сирпанчиқ. Бунинг устига болалар автобусга осилишгани-осилишган. Айниқса, мактаблар ёнидаги бекатларда болалар тўп-тўп бўлиб «кутиб» туришади. Бир нарсага ҳайрон бўламан, уларнинг ота-оналари, мактаб ўқитувчилари қаерга қарашаяптийкин!

Зоир аканинг гапларига қўшилмай илож йўқ. Тўғри-да, автобусга осилиб келаётган «қаҳрамон» ўзининг ҳаётини хавф остига солиб қўяётганини билармикин! Орқадан келаётган транспорт ҳайдовчиси бирор кори ҳол бўлмасдан олдин ўзи бошқараётган техникани тўхтата оладими!

— Машина тагига тушиб қолишлари ҳеч гап эмас, дея сўзини давом эттиради шофёр. — Айбни эса ҳайдовчига ағдаришади. Неча маротаба автобусдан тушиб, тарбиясизлар (мен уларни бошқа ном билан атай олмайман)ни ҳайдайман.

Куйбишев ноҳиясининг 13-мактаб ёнидаги чорраҳасида ўқувчилар гавжум. Дарс вақти бўлишига қарамай, улар машина пойлашади. 225-мактаб қошидан ҳам автобус ўтади. Бу ерда болалар сирпаниш учун махсус жой тайёрлашган.

Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ходимлари бу тасодифларнинг олдини олишлари мумкин. Бироқ, бошқарма мутасаддилари ишидан кўнгли тўлмайди.

Мушоҳада қилиб кўрайлик. Бола транспортга нега осилди! Уни нима мажбур этди! Уларнинг бу ҳаракатини оқламаган ҳолда болаларнинг яхмалак учиши учун махсус жойлар йўқлигини тан олиш керак. Бутун бошли кварталларда кўп қаватли замонавий бинолар қад ростлаяпти. Бундан кўпчилик хурсанд. Аслида ҳам шундаймикин! Болалар учун махсус спорт майдончалари, турли хил ўйинларга мўлжалланган жойлар етарлими! Афсуски, йўқ! Ҳар бир микрорайонда ҳеч бўлмаганда «Ўсмирлар» клубига эришиш қийинми! Бизнинг келажагимиз — болалар ҳақида қайғуришни қачон ўрганамиз!

Муҳаммад АМИН.
Муаллиф суратга олган.

«Ёш ленинчи»

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-56,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ВОСМАХОНАСИ

Д. — 2312.
Р — 03036.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.